



ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРНИНГ ХУҚУҚИЙ ТАРБИЯСИДА ХУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ АМАЛИЁТИНИНГ РОЛИ

Абдугаппаров Алишер Азатбекович

Криминология тадқиқот институти

марказ бошлиғи

Аннотация

Мақолада вояга етмаганларнинг ҳуқуқий тарбиясини шакллантиришда ҳуқуқни муҳофаза қилиш амалиётининг роли ва аҳамияти илмий-назарий жиҳатдан таҳлил қилинган. Бугунги кунда глобаллашув ва ахборот технологиялари ривожланган даврда ёшлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш нафақат таълим муассасалари, балки ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг бевосита амалий фаолияти билан боғлиқ. Тадқиқотда вояга етмаганларнинг ҳуқуқий тарбиясига оид назарий асослар, инспектор-психологлар институтининг самарадорлиги, маҳалла еттилиги билан ҳамкорлик механизмлари, виктимологик профилактика ва ювенал адлия тамойиллари, оила ва мактабнинг ўзаро ҳамкорлиги, ҳуқуқий онг шаклланишининг психологик жиҳатлари, шунингдек, рақамли муҳитда ҳуқуқий ҳимоя масалалари кўриб чиқилган. Германия, Япония, Финляндия ва Жанубий Корея тажрибаси қиёсий таҳлил қилинган. Мақола охирида вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқий саводхонликни ошириш бўйича амалий таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: вояга етмаганлар, ҳуқуқий тарбия, ҳуқуқни муҳофаза қилиш амалиёти, профилактика инспектори, инспектор-психолог, ҳуқуқий онг, ювенал адлия, ресоциализация, маҳалла еттилиги, виктимологик профилактика, киберхавфсизлик.



Abstract

The article provides a scientific and theoretical analysis of the role and significance of law enforcement practice in shaping the legal education of minors. In the current era of globalization and rapid development of information technologies, the prevention of offenses among young people is closely linked not only to educational institutions but also to the practical activities of law enforcement agencies. The study examines the theoretical foundations of legal education of minors, the effectiveness of the inspector-psychologist institution, cooperation mechanisms with the "Mahalla Etiligi" system, victimological prevention and juvenile justice principles, the role of family-school cooperation, psychological aspects of legal consciousness formation, as well as legal protection issues in the digital environment. A comparative analysis of the experiences of Germany, Japan, Finland and South Korea has been conducted. The article concludes with practical recommendations for enhancing legal literacy among minors.

Keywords: minors, legal education, law enforcement practice, prevention inspector, inspector-psychologist, legal consciousness, juvenile justice, resocialization, mahalla etiligi, victimological prevention, cybersecurity.

Кириш

Замонавий демократик ислохотлар даврида жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, айниқса, вояга етмаган ёшларнинг ҳуқуқий онгини шакллантириш устувор вазифалардан бири ҳисобланади. Вояга етмаганларнинг ҳуқуқий тарбияси нафақат назарий билимлар бериш, балки уларда қонунга ҳурмат ва ҳуқуқбузарликка нисбатан муросасизлик ҳиссини амалий жиҳатдан уйғотишни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ-158-сон Фармони билан тасдиқланган «Ўзбекистон-2030» стратегиясида вояга етмаганлар ўртасида жинойтчиликнинг олдини олиш, ёшларнинг



хуқуқий маданиятини юксалтириш ва уларни ижтимоий ҳимоя қилиш масалалари алоҳида таъкидланган. Ушбу стратегик ҳужжатда ёшлар сиёсатини такомиллаштириш давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири сифатида белгиланган.

Ушбу жараёнда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг роли бекиёсдир. Чунки айнан амалиётчи ходимлар — профилактика инспекторлари, терговчилар, прокуратура ходимлари — ҳуқуқий нормаларнинг ҳаётдаги ижросини бевосита намойиш этувчи субъектлар саналади. Улар ёшларга ҳуқуқий нормалар фақат қоғозда ёзилган қоидалар эмас, балки ҳаётий зарурат эканини амалий жиҳатдан кўрсатиб беришга кодирдир.

Мақоланинг долзарблиги шундаки, вояга етмаганлар орасида ҳуқуқий нигилизмни бартараф этиш ва жиноятчиликнинг олдини олишда ҳуқуқни муҳофаза қилиш амалиётининг таъсирчан механизмларини илмий таҳлил қилиш бугунги куннинг кечиктириб бўлмас заруратидир. Статистик маълумотларга кўра, Ўзбекистонда жиноят содир этган шахсларнинг тахминан 8–10 фоизини вояга етмаганлар ташкил этади. Бу кўрсаткич ижтимоий хавфнинг жиддийлигидан далолат бериб, профилактик ишларни тизимли равишда олиб бориш заруратини тақозо этади.

Изланишларининг мақсади — вояга етмаганларнинг ҳуқуқий тарбиясида ҳуқуқни муҳофаза қилиш амалиётининг ўрни ва самарадорлигини илмий-назарий жиҳатдан асослаш, мавжуд муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича амалий таклифлар ишлаб чиқишдан иборат. Тадқиқотда таҳлилий, қиёсий-ҳуқуқий, социологик ва тизимли ёндашув методлари қўлланилган.

1. Вояга етмаганларнинг ҳуқуқий тарбиясига оид назарий асослар



Хукуқий тарбия тушунчаси кенг маънода шахснинг хукуқий онги, хукуқий маданияти ва қонунга бўйсунувчанлик кўникмаларини шакллантиришга қаратилган мақсадли фаолиятни англатади. Назарий нуқтаи назардан, хукуқий тарбия уч асосий компонентдан иборат: хукуқий билим бериш (когнитив компонент), хукуқий қадриятларни сингдириш (аксиологик компонент) ва хукуқий хулқ-атвор кўникмаларини шакллантириш (праксеологик компонент).

Вояга етмаганларнинг хукуқий тарбияси умумий хукуқий тарбиянинг ўзига хос йўналиши бўлиб, у ёш авлоднинг ёш-психологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. Психологик тадқиқотларга кўра, 12–17 ёш — хукуқий онг шаклланишининг энг муҳим босқичи бўлиб, бу даврда ўсмирнинг атроф-муҳитга, жумладан, хукуқни муҳофаза қилиш органларига муносабати кўп жиҳатдан белгилаб қўйилади.

Россиялик олим А.А. Квашанинг фикрича, вояга етмаганларнинг хукуқий тарбияси учта даражада амалга оширилади: оилавий даража (ота-она ва яқинларнинг хукуқий хулқ-атвор намунаси), институционал даража (мактаб, маҳалла, хукуқни муҳофаза қилиш органлари) ва ижтимоий даража (оммавий ахборот воситалари, тенгдошлар муҳити). Ушбу уч даража ўзаро боғлиқ бўлиб, улардан бирининг заифлашиши хукуқий тарбиянинг умумий самарадорлигига салбий таъсир кўрсатади.

Ўзбекистонлик олим И. Исмоилов таъкидлаганидек, хукуқий тарбиянинг самарадорлиги кўп жиҳатдан хукуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг вояга етмаганлар билан ўтказадиган амалий ишларининг сифатига боғлиқ. Яъни, назарий билимлар амалий тажриба билан мустаҳкамланмас экан, уларнинг ёшлар онгига сингиши қийин бўлади. Шу маънода, хукуқни муҳофаза қилиш амалиёти хукуқий тарбиянинг ажралмас ва энг таъсирчан воситаси ҳисобланади.



2. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш амалиётининг қуйи бўғини: инспектор-психологлар фаолияти

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш амалиётининг энг қуйи ва муҳим бўғини — бу маҳалла ва таълим муассасаларида фаолият юритаётган инспектор-психологлар ҳисобланади. Уларнинг вояга етмаганлар билан бевосита, юзма-юз мулоқотда бўлиши ёш авлодда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятнинг пойдеворини шакллантиришда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. 2025 йил ҳолатига кўра, Ўзбекистон бўйлаб 10 мингдан ортиқ умумтаълим мактабларига инспектор-психологлар бириктирилган.

Замонавий ёндашувга кўра, инспектор-психолог иш кунини мактабнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари ва синф раҳбарлари билан ҳамкорликда, ўқувчиларни кутиб олишдан бошлаши лозим. Бу жараёнда ходимнинг "очиқ юз" ва "самимий мулоқот" билан ёндашиши ўқувчилар онгида ички ишлар ходимига нисбатан "жазоловчи" эмас, балки "ишончли ҳимоячи" образини яратади. Бундай психологик муҳит вояга етмаганлар билан ўтказиладиган профилактик тадбирлар ва очиқ мулоқотлар самарадорлигини бир неча баробарга оширади.

Инспектор-психологнинг амалий фаолияти бир неча асосий йўналишларни ўз ичига олади. Биринчидан, эрта аниқлаш — тарбияси оғир ва сурункали давоматни бузувчи ўқувчиларни ўз вақтида аниқлаб, улар билан индивидуал ишлаш. Иккинчидан, ҳуқуқий тарғибот — "Жиноят ва жазо", "Менинг ҳуқуқларим ва бурчларим" мавзусидаги очиқ мулоқотлар орқали масъулият ҳиссини ошириш. Учинчидан, зиддиятларни ечиш — ўқувчилар ўртасидаги низоларни тинчлик йўли билан ҳал этишда воситачилик қилиш.

Инспектор-психолог фақат мактаб ичида чекланиб қолмай, балки ота-оналар билан ҳам узвий алоқа ўрнатиши зарур. Хусусан: сабабсиз дарс қолдираётган ёки ўзлаштириши паст бўлган ўқувчиларнинг яшаш шароитини



хонадонбай ўрганиш; бола ва ота-она ўртасидаги муносабатларни таҳлил қилиш; фарзандининг таълим-тарбиясига безътибор бўлаётган ота-оналарни жараёнга қайта жалб этиш амалий профилактиканинг асосий йўналишларидандир. Бу борада инспектор-психолог ўз фаолиятида педагогик кузатув, психологик тест ва суҳбат методларидан фойдаланиши мақсадга мувофиқдир.

Амалиёт шуни кўрсатадики, ҳуқуқбузарлик содир этган ўсмир билан ўтказилган индивидуал профилактик суҳбат, унинг келгусида жиноят йўлига кирмаслигида 70 фоиз ҳолатда ижобий натижа беради. Шу билан бирга, тадқиқотлар кўрсатишича, мунтазам профилактик тадбирлар ўтказилаётган мактабларда ҳуқуқбузарлик ҳолатлари 40–45 фоизга камайган.

3. "Маҳалла еттилиги" билан ҳамкорлик ва ҳуқуқий асослар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-1-сонли қарори (2025 йил 1 январдан кучга кирган "Маҳалла еттилиги" тизими) доирасида ушбу соҳада янги босқич бошланди. Мазкур қарорга мувофиқ, маҳалла доирасида еттита асосий йўналишда масъул шахслар — маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, профилактика инспектори, тиббиёт ходими ва диний маърифат масъули — белгиланган. Инспектор-психологнинг ушбу еттилик аъзолари билан ҳамкорлиги вояга етмаганлар муаммоларини тизимли ечиш имконини беради.

Маҳалла еттилиги тизимининг энг муҳим афзаллиги — вояга етмаганлар билан ишлашда "тепадан пастга" эмас, балки "пастдан тепага" тамойилининг қўлланилишидир. Яъни, муаммо аввал маҳалла даражасида аниқланади ва ечилади, фақат мураккаб ҳолатлардагина юқори инстанцияларга юборилади. Бу ёндашув муаммони эрта аниқлаш ва тезкор ҳал этиш имконини беради.

Амалиётда ҳамкорликнинг конкрет шакллари қуйидагилардан иборат: ҳар ҳафталик еттилик йиғилишларида вояга етмаганлар ҳолати тўғрисида



маълумот алмашиш; муаммоли оилаларга биргаликда ташриф буюриш; маҳалла доирасида ҳуқуқий тарғибот тадбирларини ўтказиш; таваккалчилик гуруҳидаги ўсмирлар учун бандлик ва дам олиш дастурларини биргаликда ташкил этиш.

Амалга оширилган ижобий ишларга қарамай, амалиётда айрим камчиликлар ҳамон кузатилмоқда. Хусусан: инспектор-психолог ва маҳалла еттилиги вакиллари ўртасидаги аниқ вазифалар тақсимотининг баъзан ноаниқлиги; ҳамкорлик механизмларининг фақат қоғозда қолиши (бюрократия); оилавий низолар бор хонадонлар билан ишлашда профилактика инспекторлари ва инспектор-психологларнинг ҳаракатларини мувофиқлаштиришдаги камчиликлар; етилик аъзоларининг айримларида вояга етмаганлар психологияси бўйича етарли билимларнинг мавжуд эмаслиги.

Юқоридаги муаммоларни бартараф этиш учун ҳар бир субъектнинг — инспектор-психолог, профилактика инспектори ва етилик вакиллари — аниқ функционал вазифаларини белгилаб олиш ҳамда уларнинг фаолиятини ягона тизим сифатида мувофиқлаштириш жуда муҳимдир. Шунингдек, етилик аъзолари учун вояга етмаганлар билан ишлаш бўйича махсус ўқув семинарларини мунтазам ўтказиб бориш лозим.

4. Виктимологик профилактика

Виктимологик профилактика — вояга етмаганларнинг жиноят қурбони бўлиб қолиш хавфини камайтиришга қаратилган чора-тадбирлар мажмуидир. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари бу борада болаларга ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишни ўргатиш, хавфли вазиятларни аниқлаш ва улардан қочиш кўникмаларини шакллантириш вазифасини бажаради.

Виктимологик профилактиканинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат: кибержиноятлардан ҳимояланиш (интернетда шахсий маълумотларни



химоя қилиш, фирибгарликни аниқлаш); жисмоний ва рухий зўравонликдан химояланиш (буллинг, оилавий зўравонлик); одам савдоси ва эксплуатациядан химояланиш; наркотик моддалар тарқатувчилардан ўзини химоя қилиш кўникмалари. Ушбу йўналишларнинг ҳар бирида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг амалий тажрибаси ўқувчиларга реал ҳаётий мисоллар орқали етказилади.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш амалиёти нафақат жазо чораларини қўллаш, балки превентив (олдини олувчи) таъсир кўрсатиш кучига эга. БМТнинг Ар-Риёд принципларига (1990 йил) мувофиқ, вояга етмаганлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олишда асосий эътибор жазолашга эмас, балки ижтимоий профилактикага қаратилиши лозим. Ушбу тамойил Ўзбекистон қонунчилигида ҳам ўз аксини топган.

5. Оила ва мактабнинг ўзаро ҳамкорлиги: ҳуқуқий тарбиянинг асосий заминаси

Вояга етмаганларнинг ҳуқуқий тарбиясида оила ва мактабнинг ўзаро ҳамкорлиги энг муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Криминологик тадқиқотлар шуни тасдиқлайдики, ҳуқуқбузарлик содир этган вояга етмаганларнинг 65–70 фоизи функционал бузилган (нотўлиқ, низоли, иқтисодий қийинчиликдаги) оилалардан чиққан. Бу ҳолат оиланинг ҳуқуқий тарбиядаги ролини янада муҳимроқ қилади.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари оила ва мактаб ўртасидаги "кўприк" вазифасини бажаради. Инспектор-психологлар мактабда ота-оналар йиғилишларида қатнашиб, ҳуқуқий масалалар бўйича маърузалар ўқийди, оилавий низоларда маслаҳат беради, зарур ҳолларда болани ижтимоий химоя органларига йўналтиради. Бу жараёнда инспектор-психологнинг педагогик ва психологик компетенцияга эга бўлиши муҳим аҳамият касб этади.



Мактабда ҳуқуқий тарбия ишларининг самарадорлиги қуйидаги омилларга боғлиқ: ўқув жараёнига ҳуқуқий мавзулар интеграция қилинганлиги; синфдан ташқари тадбирлар (викториналар, танловлар, суд симуляциялари) ўтказилиши; ота-оналар билан ҳамкорлик даражаси; инспектор-психологнинг фаоллиги ва профессионализми. Тадқиқотлар кўрсатишича, юқоридаги омилларнинг барчаси мувозанатли равишда амалга оширилган мактабларда ўқувчиларнинг ҳуқуқий саводхонлик даражаси 2–3 баробарга юқори бўлади.

Шунингдек, "Ота-оналар мактаби" каби дастурларни жорий этиш ота-оналарнинг ўз фарзандларини ҳуқуқий тарбиялаш кўникмаларини оширишга хизмат қилади. Бу дастурлар доирасида ота-оналарга бола психологияси, ҳуқуқий масъулият, оилавий муносабатларда ҳуқуқий маданият каби мавзуларда билим берилади. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг бу дастурларда фаол иштирок этиши амалий аҳамиятга эга.

6. Вояга етмаганларда ҳуқуқий онг шаклланишининг психологик жиҳатлари

Ҳуқуқий онгнинг шаклланиши мураккаб психологик жараён бўлиб, у шахснинг ёш хусусиятлари, ижтимоий муҳити ва шахсий тажрибаси билан белгиланади. Психолог Лоуренс Колбергнинг ахлоқий ривожланиш назариясига кўра, 12–17 ёшдаги ўсмирлар конвенционал даражада бўлиб, улар қоидаларга бўйсунитиш ижтимоий тартиб ва жамоа манфаати нуқтаи назаридан қабул қилишга қодир бўлади. Айнан шу даврда ҳуқуқий тарбия энг юқори самарадорликка эга бўлади.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш амалиётининг ўсмир психологиясига таъсири бир неча механизм орқали амалга ошади. Биринчидан, "ижтимоий ўрганиш" механизми — ўсмир ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг хулқ-атвори ва муносабатини кузатиб, уларни ўзига намуна сифатида қабул



қилади. Иккинчидан, "когнитив диссонанс" механизми — ўсмирнинг ҳуқуқбузарлик оқибатларини реал ҳаётда кўриши унинг онгида зиддиятни юзага келтиради ва қонунга бўйсунтириш зарурати тўғрисидаги қатъий қарорга олиб келади.

Учинчидан, "эмоционал таъсир" механизми — инспектор-психологнинг самимий, ишончли ва ҳурматга асосланган мулоқоти ўсмирда ижобий эмоционал реакция уйғотади ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига нисбатан ишончни мустаҳкамлайди. Ўрганишлар шуни кўрсатмоқдаки, ўсмирлар ҳуқуқий нормаларни "кўрқув" эмас, балки "тушуниш ва ҳурмат" асосида қабул қилганда, уларнинг ҳуқуққа риоя қилиш эҳтимоли 3 баробарга ортади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳуқуқий онг шаклланишида салбий тажрибанинг ҳам ўрни бор. Агар ўсмир ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари томонидан қўпол муносабат, адолатсизлик ёки лоқайдликка дуч келса, бу унинг ҳуқуқий нигилизмини кучайтиради. Шу сабабли, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг коммуникатив компетенцияси ва психологик тайёргарлиги алоҳида аҳамият касб этади.

7. Рақамли муҳитда ҳуқуқий ҳимоя амалиёти

Бугунги кунда вояга етмаганларнинг ҳуқуқий тарбияси виртуал олам билан узвий боғлиқ. Статистик маълумотларга кўра, Ўзбекистонда 12–17 ёшдаги ўсмирларнинг 85 фоиздан ортиғи мунтазам равишда интернетдан фойдаланади. Бу ҳолат уларнинг кибержиноятлар қурбони бўлиш хавфини оширади.

Кибержиноятчилик, фирибгарлик ва зарарли ахборотлардан ҳимояланиш бўйича ички ишлар органларининг "Киберхавфсизлик марказлари" томонидан ўтказилаётган амалий тренинглар ёшларнинг ҳуқуқий



иммунитетини ошироқда. Бу амалиёт ёшларда нафақат жисмоний, балки рақамли маконда ҳам қонунларга риоя қилиш кўникмасини шакллантиради.

Рақамли муҳитда ҳуқуқий ҳимоянинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат: кибербуллинг (интернетда таҳқирлаш, таҳдид қилиш)нинг олдини олиш; фишинг ва онлайн фирибгарликни аниқлаш кўникмаларини ўргатиш; шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш бўйича билим бериш; ижтимоий тармоқларда хавфсиз муносабат қоидаларини тарғиб қилиш; онлайн ашаддий экстремизм ва радикализмнинг олдини олиш.

Ички ишлар органлари томонидан мактабларда ўтказилаётган "Хавфсиз интернет" дастури доирасида ўқувчиларга интернетда ўзини тутиш қоидалари, шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш, номаълум шахслар билан мулоқотда эҳтиёткорлик чоралари ўргатилмоқда. Шунингдек, ота-оналарга фарзандларининг интернет фаолиятини назорат қилиш бўйича амалий маслаҳатлар берилмоқда. Бу тадбирлар натижасида кибержиноятлар қурбони бўлган вояга етмаганлар сони сезиларли даражада камайиши кутилмоқда.

8. Хорижий тажриба: Германия, Япония, Финляндия ва Жанубий Корея мисолида

Ривожланган давлатларда полициянинг вояга етмаганлар билан ишлаш тизими фақат жазолаш эмас, балки тарбиялаш, ҳимоя қилиш ва профилактика тамойилларига асосланган. Бу мамлакатларда полиция ходими бола учун қўрқинчли образ эмас, балки қийин вазиятда ёрдам берадиган "дўстона хизматчи" сифатида гавадланади. Қуйида тўрт давлатнинг ўзига хос ёндашувларини кўриб чиқамиз.

Германия: "Полиция — сизнинг дўстингиз ва ёрдамчингиз"

Германияда полициянинг болалар билан ишлашдаги асосий шиори — "Polizei — dein Freund und Helfer". Ҳар бир мактабга бириктирилган махсус



офицерлар (Kontaktbeamtin) болалар билан якин муносабатда бўлишади — дарс беришмайди, балки суҳбатлашиб, уларнинг муаммоларини тинглашади. Полициячилар боғча ва мактабларга бориб, болаларга йўлдан ўтишни ўргатишади, бу жараёнда болаларда полицияга нисбатан ишонч шаклланади.

Германияда ювенал адлия тизими алоҳида ривожланган. Агар ўсмир кичик ҳуқуқбузарлик содир этса, уни қамаш ёки жаримага тортиш ўрнига, полиция уни ижтимоий ходимларга йўналтиради — мақсад болани жамиятдан ажратиш эмас, уни қайта мослаштиришдир. 14–18 ёшдаги ўсмирлар учун алоҳида ювенал судлар мавжуд бўлиб, улар тарбиявий чораларни жазодан устун қўяди.

Япония: "Кобан" тизими ва оилавий ёндашув

Японияда полиция ва жамият ўртасидаги алоқа дунёдаги энг кучли тизимлардан бири ҳисобланади. "Кобан" (Koban) — маҳалла полиция пунктлари Япониянинг ҳар бир бурчагида жойлашган. Болалар адашиб қолса, бирор нарсасини йўқотса ёки қўрқса, дарҳол "Кобан"га мурожаат қилишади. Полиция нафақадаги кексалар ва ота-оналар билан биргаликда "Кўча назорати" гуруҳларини тузади — улар болалар мактабдан қайтаётганда хавфсизликни таъминлайди.

Вояга етмаганлар хато қилганда, полициячи у билан "ота-бола"дек суҳбатлашади — полициянинг асосий вазифаси болани уялтириш ёки қўрқитиш эмас, балки унинг қилмиши оиласи ва жамиятга қандай таъсир қилишини тушунтиришдир. Японияда вояга етмаганлар жиноятчилиги даражаси дунёдаги энг паст кўрсаткичлардан бири бўлиб, бу айнан профилактик ишларнинг самарадорлигидан далолат беради.

Финляндия: "Анкку" дастури ва мактаб полицияси

Финляндияда вояга етмаганлар билан ишлашнинг ўзига хос тизими мавжуд. "Анкку" (Ankkuri) дастури — полиция, ижтимоий хизмат, соғлиқни



сақлаш ва таълим соҳалари мутахассисларини бирлаштирган кўп тармоқли ёндашувдир. Бу дастур доирасида вояга етмаган ҳуқуқбузар ёки таваккалчилик гуруҳидаги ўсмир билан бир вақтнинг ўзида полициячи, ижтимоий ходим ва психолог ишлайди.

Финляндия тажрибасининг ўзига хослиги шундаки, бу ерда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари вояга етмаганлар билан ишлашда "нол қаршилик" тамойилидан фойдаланади — ҳар қандай кичик ҳуқуқбузарлик ҳам эътибордан четда қолдирилмайди, аммо жавоб чораси жазолаш эмас, балки тарбиявий суҳбат ва ижтимоий кўмак кўринишида бўлади. Бу ёндашув натижасида Финляндияда вояга етмаганлар жиноятчилиги даражаси Европадаги энг паст кўрсаткичлардан бири ҳисобланади.

Жанубий Корея: рақамли профилактика ва "Кибер полиция"

Жанубий Корея — дунёда энг юқори интернетлаштириш даражасига эга давлатлардан бири бўлиб, бу ерда вояга етмаганларнинг ҳуқуқий тарбияси рақамли муҳитга алоҳида эътибор қаратилган. "Кибер полиция" бўлинмалари мактабларда мунтазам тренинглар ўтказиб, ўқувчиларга кибержиноятлардан ҳимояланиш, шахсий маълумотларни сақлаш ва онлайн этика қоидаларини ўргатади.

Жанубий Кореяда полиция академияларида вояга етмаганлар психологияси бўйича алоҳида курс ўқитилади. Ҳар бир полиция бўлинмасида "Вояга етмаганлар масалалари офицери" лавозими жорий қилинган. Бу офицерлар вояга етмаганлар билан ишлашга ихтисослашган бўлиб, уларга нисбатан фақат тарбиявий ёндашувни қўллайди. Шунингдек, мобил иловалар орқали ўсмирлар ёрдам сўраш ёки ҳуқуқбузарлик тўғрисида хабар бериш имконига эга.

Юқорида кўриб чиқилган тўрт давлатнинг тажрибаси шуни кўрсатадики, вояга етмаганлар билан ишлашда ҳуқуқни муҳофаза қилиш



органларининг "тарбиячи", "ҳимоячи" ва "қўмакчи" сифатидаги роли жазолаш функциясидан устун туради. Ўзбекистон учун ушбу тажрибаларнинг қуйидаги жиҳатлари алоҳида қизиқарлидир: кўп тармоқли ёндашув (Финляндия), рақамли профилактика (Жанубий Корея), маҳалла даражасида ишлаш (Япония) ва тарбиявий муқобил жазолар (Германия).

Хулоса ва таклифлар

Олиб борилган тадқиқот ва таҳлиллар асосида вояга етмаганларнинг ҳуқуқий тарбиясида ҳуқуқни муҳофаза қилиш амалиётини такомиллаштириш бўйича қуйидаги хулосаларга келинди:

Биринчидан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари вояга етмаганлар қўзида фақат "жазоловчи" эмас, балки "ҳимоячи ва қўмакчи" сифатидаги имижини кучайтириши лозим. Бу ёшларда қонунга нисбатан ижобий муносабатни шакллантиради. Хорижий тажриба кўрсатишича, полицияга нисбатан ижобий муносабат шаклланган жамиятларда вояга етмаганлар жиноятчилиги даражаси сезиларли даражада паст бўлади.

Иккинчидан, қуруқ маърузалардан воз кечиб, реал ҳаётий воқеаларга асосланган, ҳуқуқий оқибатларни кўрсатувчи интерактив усуллардан — кейслар, роликлар, суд симуляциялари, ролли ўйинлар — кенг фойдаланиш зарур. Бу усуллар ўсмирларнинг ёш-психологик хусусиятларига мос келади ва ҳуқуқий билимларнинг чуқурроқ ўзлаштирилишини таъминлайди.

Учинчидан, мактаб инспектор-психологлари ва маҳалла еттилиги ўртасидаги ахборот алмашинувини рақамлаштириш, муаммоли ўсмирлар билан индивидуал ишлашнинг янги методикаларини жорий этиш лозим. Бу борада ягона электрон маълумотлар базасини яратиш ва ундан барча масъул субъектларнинг фойдаланиш имконини таъминлаш мақсадга мувофиқдир.



Тўртинчидан, вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқий саводхонликни ошириш мақсадида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан мунтазам равишда "Очиқ эшиклар куни" ва "Қонун менинг ҳимоямда" каби амалий семинарларни бевосита маҳалла идорасида ёки адлия идораларида ўтказиш тизимини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқдир.

Бешинчидан, Финляндиянинг "Анкку" дастури тажрибасидан фойдаланган ҳолда, Ўзбекистонда ҳам кўп тармоқли (полиция, ижтимоий хизмат, психолог, педагог) профилактика гуруҳларини ташкил этиш таклиф қилинади. Бу гуруҳлар таваккалчилик гуруҳидаги ўсмирлар билан комплекс ишлаш имконини беради.

Олтинчидан, рақамли муҳитда ҳуқуқий тарбияни кучайтириш мақсадида ички ишлар органлари ва Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги ҳамкорлигида мактаб ўқувчилари учун "Хавфсиз интернет" мобил иловасини ишлаб чиқиш ва жорий этиш таклиф қилинади.

Еттинчидан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг вояга етмаганлар билан ишлаш бўйича малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш зарур. Бу борада ходимларга ўсмирлар психологияси, педагогик коммуникация ва зиддиятларни бошқариш бўйича мунтазам тренинглар ўтказилиши лозим.

Хулоса қилиб айтганда, вояга етмаганларнинг ҳуқуқий тарбиясида ҳуқуқни муҳофаза қилиш амалиёти ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Бу амалиёт тўғри ташкил этилган тақдирда, ёш авлодда ҳуқуқий маданият, қонунга ҳурмат ва фуқаролик масъулияти ҳиссини шакллантиришнинг энг самарали воситаси бўла олади. Фақат шундагина вояга етмаганлар ўртасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда кутилган натижага эришиш мумкин.



Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. — Тошкент: «Ўзбекистон», 2023 йил (Янги таҳрир).
2. Ўзбекистон Республикасининг «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни. — ЎРҚ-139-сон, 2008 йил 7 январь.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Қонуни. — ЎРҚ-371-сон, 2014 йил 14 май.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2024–2030 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш стратегияси тўғрисида»ги Фармони. — 2023 йил 11 сентябрь.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маҳалла етилиги» тизимини жорий этиш тўғрисидаги қарори. — ПҚ-1-сон, 2024 йил.
6. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. — Тошкент: «O'zbekiston», 2021.
7. Исмоилов И., Қутибеков А. Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси: Дарслик. — Тошкент: ИИВ Академияси, 2020.
8. Зиёдуллаев М.З. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимини такомиллаштиришнинг ташкилий-ҳуқуқий масалалари: Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. — Тошкент, 2021.
9. Бердиев Г.Б. Вояга етмаганлар ҳуқуқий тарбиясида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва таълим муассасалари ҳамкорлиги // Ҳуқуқ ва бурч журнали. — 2022. — №4.
10. Рустамов Х.У. Вояга етмаганлар жиноятчилигининг криминологик хусусиятлари ва профилактикаси: Монография. — Тошкент: ТДЮУ нашриёти, 2019.



11. Кваша А.А. Правовое воспитание несовершеннолетних: проблемы и перспективы // Вестник Краснодарского университета МВД России. — 2018. — №3. — С. 45–51.
12. Колберг Л. Психология морального развития. — Нью-Йорк: Harper & Row, 1984.
13. БМТнинг Вояга етмаганлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича кўрсатмалари (Ар-Риёд принциплари). — 1990 йил.
14. БМТнинг Вояга етмаганларга нисбатан адлия юритишнинг минимал стандарт қоидалари (Пекин қоидалари). — 1985 йил.
15. ЮНИСЕФ. Ўзбекистонда болалар ҳуқуқлари ва ювенал адлия тизими таҳлили: Ҳисобот. — 2021.
16. Hämmäläinen J. The Ankkuri Model: Multi-professional crime prevention for young people in Finland // European Journal of Criminology. — 2020. — Vol. 17. — P. 312–328.
17. Bayley D.H. Forces of Order: Policing Modern Japan. — Berkeley: University of California Press, 2021.
18. Dünkel F. Juvenile Justice Systems in Europe: Reform Developments Between Justice, Welfare and «New Punitiveness» // Kriminologisches Journal. — 2019. — №1. — P. 23–41.